

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc 20/30.12.2019. S.23.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА УМИДА ФАРҲАДОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
СИФАТИНИНГ СОЦИОЛОГИК МОНИТОРИНГИ**

**22.00.01 – Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик
тадқиқотлар усуллари**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
социологическим наукам**

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor (DSc) on sociological Sciences

Сабилова Умида Фархадовна

Ўзбекистон Республикасида олий таълим сифатининг

социологик мониторинги 3

Сабилова Умида Фархадовна

Социологический мониторинг качества высшего образования в

Республике Узбекистан 29

Sabirova Umida Farkhadovna

Sociological monitoring of the quality of higher education in the Republic

of Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc 20/30.12.2019. S.23.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА УМИДА ФАРҲАДОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
СИФАТИНИНГ СОЦИОЛОГИК МОНИТОРИНГИ**

**22.00.01 – Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик
тадқиқотлар усуллари**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Социология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/S30 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Сеитов Азамат Пулатович
социология фанлари доктори
Матибаев Тасполат Балтабаевич
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахманов Каландар Ходжаевич
иктисод фанлари доктори, академик
Умаров Абсалом Адилевич
социология фанлари доктори, профессор
Жураев Қодир Асадович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси биноси, 5-қават, 511-хона Тел.: (99871) 232-60-56; факс: (71) 232-60-80, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (71) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, социология фанлари доктори, профессор

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, социология фанлари доктори, профессор

Ф.Я.Парманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда таълим сифатини баҳолаш ва истиқболини белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва шу мақсадга хизмат қиладиган барча усул ва воситалардан, биринчи навбатда, социологик мониторингдан кенг фойдаланилмоқда. Таълим социологиясининг таркибий қисми бўлган таълим сифати мониторинги сўнгги ўн йилликлар мобайнида муайян даражада ривожланди, сезиларли ютуқларга эришилди. Кўплаб мутахассислар олий таълим сифатининг яхлит моделини яратиш, таълим сифатини баҳолашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида фикр юритмоқдалар.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омили аста-секин тугаб бораётган табиий захиралар эмас, битмас-туганмас ҳисобланган инсон омили эканлигидан, миллатнинг илмий салоҳияти ва юксак малакали кадрлар захираси эканлигидан далолат бермоқда. Фан ва техника, инновацион технологиялар асосида барпо бўлаётган рақамли иқтисодиёт юқори даражада ривожланган таълим тизимига, биринчи навбатда, олий таълим тизими сифатига боғлиқдир. Бинобарин, олий таълим сифатини муттасил юксалтириш, кадрлар малакасини доимий равишда ошириб бориш, фақат бугун эмас, балки эртанги кун эҳтиёжларини ҳам қондирадиган мутахассислар тайёрлаш, жаҳон олий таълим тизими олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда таълим тизимини, хусусан, олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. “Сўнгги беш йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди. Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди”¹. Шу давр ичида талабалар сони деярли 4 баробар ошди. Мана шу миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришига олиб келиши учун олий таълим тизимини баҳолаб бориш, мониторинг қилишнинг тамомила янги ва бенуқсон механизми жорий этилиши зарур ҳисобланиб, ундан самарали технология сифатида фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 27 февралдаги ПҚ-103-сон “Олий таълим

¹ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. <https://review.uz/oz/post/vstuplenie-prezidenta-shavkata-mirziyoyeva-na-ceremonii-posvyashennoy-30-letiyu-nezavisimosti-uzbekistana>.

муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократия ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Жаҳондаги ривожланган давлатлар олий таълимининг сифат кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва истиқболларини белгилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан, IEA – International Association of Evaluation of Educational Achievements² (Халқаро таълим ютуқларини баҳолаш ассоциацияси), ETS – Educational Testing Service³ (Таълим тест хизматлари), TIMSS – Third International Mathematics and Science Study⁴ (Математика ва табиий фанлар сифатини баҳолаш бўйича халқаро қиёсий тадқиқотлар лойиҳаси), “Quacquarelli Symonds World University Rankings”⁵, “Times Higher Education”⁶, OECD – Organization for Economic Cooperation and Development (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) томонидан PISA – Programme for International Student Assessment⁷ (Халқаро талабаларни баҳолаш дастури) лойиҳаси доирасида олиб борилмоқда.

Олий таълим сифатини социологик мониторинг қилиш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида катор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: мониторинг индикаторлари ҳамда сифат тизимида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган (IEA – International Association of Evaluation of Educational Achievements); ижтимоий ҳақиқатни билим социологияси асосида қуришнинг замонавий назарияси ва методикаси очиб берилган (TIMSS – Third International Mathematics and Science Study); таълим сифатини бошқариш тизимини яратиш жиҳатлари ўрганилган (OECD – Organization for Economic Cooperation and Development); олий таълимда кадрлар сифатини ошириш йўллари (PISA – Programme for International

² <https://globaleducationcoalition.unesco.org/Members/Details/175>

³ <https://www.ets.org/>

⁴ <https://timssandpirls.bc.edu/timss-landing.html>

⁵ <https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2022>

⁶ <https://www.timeshighereducation.com/content/world-university-rankings>

⁷ <https://www.oecd.org/pisa/>

Student Assessment); олий таълим сифатини баҳолаш кўрсаткичлари (Academic Ranking of World Universities)⁸ ўрганилган.

Дунёда олий таълим сифатини социологик мониторинг қилиш бўйича қатор, жумладан, устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: таълим социологиясини ривожлантириш, сифат тизимида баҳолаш категорияси, таълимни стандартлаштириш ва таълим сифатини бошқариш, кадрлаш тайёрлаш сифатини баҳолаш, таълимда меҳнат тақсимоти, инсон омилини такомиллаштириш, таълим-тарбиянинг аҳамияти, ўқув фаолиятида билимларнинг фойдалилиги, таълим тизими ҳолатини аниқлаш, мониторинг индикаторларини баҳолаш, олийгоҳларнинг ўзаро муносабатлари ва уларни ривожлантириш йўллари аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимини такомиллаштириш, муаммоларни илм-фан ва ижтимоий тизимларнинг узвий алоқадорлиги орқали бартараф этиш хусусида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хорижий классик олимлардан Э.Дюркгейм, Г.Спенсер, Т.Парсонс, П.Сорокин, М.Вебер, П.Бурде, Э.Гуссерль, А. Шюц, М. Шелер ва Р.Мертон, П.Бергер ва Т.Лукманларнинг тадқиқотларида феноменология нуқтаи назаридан таълим тизимларини таҳлил қилиш, тизимли функционализм⁹, таълим-тарбиянинг аҳамияти, таълим ва жамият ўртасидаги муносабатлар, таълимнинг ижтимоий меҳнат тақсимоти билан узвий боғлиқлиги, жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиши муҳимлиги, ўқув фаолиятини билимларнинг фойдалилиги принципига ва уларнинг инсон фаолиятига хизмат қилишида, “олийгоҳнинг мақсади талабаларнинг онгида ҳаёт фалсафаси деб номланувчи яшаш тарзини шакллантириш ва мустаҳкамлашдан иборат” деган ғоялари ва назарий концепция асослари илгари сурилган¹⁰. Ижтимоий ҳақиқатни билим социологияси асосида қуришнинг замонавий назарияси ва методикаси¹¹ мавжуд ижтимоий институтларнинг, бутун жамиятнинг барқарорлиги ва динамикаси барча ижтимоий жараёнларни инсон омилини такомиллаштириш сари йўналтиришга ундайди, уни перманент бошқаришга мажбур қилади, деган ғояга асосланган. Шунингдек, мазкур муаммони ўрганган хорижий тадқиқотчилар қаторига Nathalie Costes, Bruno Curvale, Michael G. Kraft, Rafael Liavori, Thierry Malan, Tibor Szanto, Deborah Nusche, Henry Braun, Paulo Santiago кабиларни киритиш мумкин. Хусусан, ривожланган Ғарб мамлакатлари олимлари тадқиқотларида халқаро таълим ютуқларини

⁸ <https://www.shanghairanking.com/rankings/arwu/2021>

⁹ Гуссерль Э. Кризис европейских наук и трансцендентальная феноменология. Введение в феноменологическую философию. – СПб.: Владимир Даль, 2004; Шюц А. Формирование понятия и теории в общественных науках. В кн.: Американская социологическая мысль. – М.: МГУ, 1994; Шелер М. Формы знания и образование/ Шелер М. Философское мировоззрение / Шелер М. Избранные произведения. – М.: Гнозис, 1994; Merton R.K. The Institutional Imperatives of Science // Sociology of Science / ed. V.Barnes. – L.: Penguin Books, 1972.

¹⁰ Дюркгейм Э. Социология образования. Пер. с фр. – М.: ИНТОР, 1996; Спенсер Г. Образование умственное, моральное и физическое. – М.: Просвещение, 1984; Parsons T., Gerald P. The American University. Harvard University Press; Second Printing edition (January 1, 1973); Сорокин П.А. Проблемы новой социальной педагогики // Общедоступные проблемы социологии. – М.: Наука, 1994; Вебер М. Избранное. – М.: РОССПЭН, 2006. – С. 3; Bourdieu P. Forms of Capital // John G. Richardson (ed.), Handbook of Theory and Research for the Sociology of Education. – N.Y.: Greenwood Press, 1986.

¹¹ Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. – М., 1995.

баҳолаш ассоциацияларининг баҳолаш категориялари, инновацияга жалб қилиш, таълим олишдаги қийинчиликлар, кадрлаш тайёрлаш сифатини баҳолаш, таълимни стандартлаштириш, таълим сифатини бошқариш, мониторинг индикаторлари ва баҳолаш мезонлари каби масалалар тадқиқ этилган¹². МДХ олимларидан О.Гаранина, О.Румянцева, В.Бойков, В.Сапрыка, В.Шапавалова, И.Шмигирилова, М.Гусаковский, Л.Яценко, С.Костюкевич, С.Седунова, В.Королевалар олий таълим муассасаларини социологик мониторинг қилишнинг назарий ва услубий асослари, олий таълим тизимини баҳолаш тизими, социологик мониторинг концепцияси, социологик мониторинг функциялари ва йўналишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари негизда концептуал ва методик характердаги тадқиқотлар¹³, олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро коммуникация, ҳамкорлик моделларига, асосан, таълим муҳитига коммуникатив ҳодиса сифатида қарашган ва коммуникация тушунчасини, биринчи навбатда, рамзий интеракционизм назарияси билан боғлаб тадқиқ этишган. Улар коммуникация омили таълим муҳитининг фаолият кўрсатиши учун асосий механизмига айланади, деган ғояни илгари суришган¹⁴.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, К.Абдурахманов, У.Ташкенбаев, Н.Алиқориев, А.Алиқориева, А.Умаров, К.Каланов, А.Холбеков, Т.Матибаев, О.Абдуазимов, Ш.Содиқова, А.Сеитов, А.Кабулов, Р.Халмурадов, Д.Умарова ва С.Ибрагимовалар¹⁵ тадқиқотларида таълим контентини сифатли ўзлаштиришда миллий-ментал омиллар устиворлигини ҳисобга олиш зарурлигини¹⁶, олий таълим муассасаларида касбий кўникмалар ва умуман ихтисосликни ўзлаштиришда маънавий мотивациялар омилига эътиборни ошириш зарурлигини қайд этади¹⁷, таълим сифатини

¹² Nathalie Costes, Bruno Curvale, Michael G. Kraft, Rafael Liavori, Thierry Malan, Tibor Szanto. First external evaluations of quality assurance agencies – lessons learned // Workshop report: European Association for Quality Assurance in Higher Education. – Helsinki, 2010; Nusche D. Et al. (2014), OECD Reviews of Evaluation and Assessment in Education. – Netherlands, 2014; OECD Reviews of Evaluation and Assessment in Education, OECD Publishing. <http://dx.doi.org/10.1787/9789264211940-en>.

¹³ Гаранина О.Д., Румянцева О.С. Социологический мониторинг качества образовательной среды // Актуальные вопросы современной науки, 2010. – № 15. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsiologicheskii-monitoring-kachestva-obrazovatelnoy-sredy> (дата обращения: 13.12.2021); Бойков В.Э. Социологический мониторинг в социальном управлении // Социология власти, 2006. – № 4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsiologicheskii-monitoring-v-sotsialnom-upravlenii> (дата обращения: 13.12.2021); Сапрыка В.А., Шапавалова И.С., Шмигирилова Л.Н. Социологический мониторинг внутривузовской среды // Современные проблемы науки и образования, 2012. – № 2. URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=5966> (дата обращения: 13.12.2021).

¹⁴ Гусаковский М.А., Яценко Л.А., Костюкевич С.В. Университет как центр культуропорождающего образования. Изменение форм. – БГУ, 2004; Седунова С.Ю., Королева В.В. Модели сотрудничества вуза и работодателей // Вестник Псковского государственного университета. Серия: Социально-гуманитарные и психолого-педагогические науки, 2009. Вып. 9.

¹⁵ Қаранг: номлари келтирилган муаллифларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланган адабиётлари рўйхатида келтирилган.

¹⁶ Қаранг: Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2020.

¹⁷ Матибоев Т. Б. Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар / Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Республика илмий-назарий конференцияси). – Андижон, 2012. – Б. 36-41.

таъминловчи энг муҳим омил сифатида халқаро таълим жараёнларига интеграциялашувни кўрсатади¹⁸.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда олий таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шерикликнинг ҳозирги ҳолатининг социологик таҳлили, таълим контентини сифатли ўзлаштиришда миллий-ментал омиллар устиворлиги тадқиқ этилган бўлсада, олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик моделларини социологик мониторинг орқали самарадорлигини баҳолаш мезонлари, олий таълим сифатини социологик мониторинг қилиш механизми фундаментал тарзда мустақил социологик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017093020 “Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогностлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш (2018-2020 йй.)” илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда олий таълим сифатини юксалтириш жараёнларини социологик мониторинг қилишнинг яхлит механизминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мониторинг тизимининг моҳияти ва мазмунини очиб бериш, таълим мониторинги методологик асосларини таҳлил қилиш;

ҳикоя тарзидаги суҳбат (нарратив)ни структурали-функционал жиҳатдан таҳлил қилиш, уни сифатли қилишнинг мониторингдаги аҳамиятини ёритиш;

олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро тажрибаларини танқидий ўрганиш;

олий таълим сифатини баҳолашнинг республикамиздаги моделининг индикаторларини аниқлаш, бу жараёнда сифатга асосланган ёндашув динамикасини асослаш;

квалиметрик мониторинг методининг таълим сифатини юксалтиришдаги ролини очиб бериш;

олий таълим муассасалари ва корхоналар орасидаги шерикликнинг ҳозирги ҳолатини социологик таҳлил этиш, ОТМ ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

олий таълим сифатини мониторинг қилиш моделини ишлаб чиқишда концептуал ёндашувларни таснифлаш, тузилмавий моделини яратиш;

юксак малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

¹⁸ Ташкенбаев У.Н. Узбекистан на пути интеграции в международное образовательное сообщество // Время перемен, 2020. – С. 2-8;

Тадқиқотнинг объектини Янги Ўзбекистонда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ушбу таълим тизимининг сифат кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим сифатини социологик мониторинг қилиш методологияси ва технологиясидан, янги моделнинг параметр (кўрсаткичлари) ва мезонларини ишлаб чиқиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий ва контент таҳлил, “SWOT-таҳлил”, нарратив интервью, статистик таҳлил, моделлаштириш, сифатли ва миқдорий тадқиқот методлари: анкетали сўров ва эксперт баҳолаш методлари, шунингдек, тизимли, структурали-функционал ёндашувлар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рейтинг тизими бўйича профессор-ўқитувчилар фаолиятининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун ишлаб чиқилган индикаторлар, умуман университетлар фаолияти самарадорлигини рақамли технологиялар негизида аниқлаш тизими ишлаб чиқилган;

сифатли маълумотларни тўплаш усули, ўрганилаётган объектнинг яхлит ва тўлиқ модели сифатида миллий социология олимларининг нарратив ҳикояларини синтезлаш параметрлари, қоидалари ва тамойиллари таҳлил этилиб, нарратив интервью методининг социологик амалиётда қўлланилишининг ижтимоий аҳамияти асосланган;

олий таълим тизимини мониторинг қилишнинг процессуал, башорат қилувчи, меъёрий ва рақобатбардошлик мезонлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, олий таълим муассасалари фаолиятини тавсифловчи параметрлар асосланган;

ўқув жараёнини мониторинг қилиш (вазифалар берилиши ва ечилиш ҳолатини баҳолаш, талабалар давомати ва ўзлаштиришини автоматик ҳисобга олиш ҳамда уларни фанлар бўйича баҳоланиши ва бошқалар) мақсадида университет ўқув блоки учун интеграцияланган дастур, бевосита таълим жараёнини мониторинг қилиш (маъруза, лаборатория машғулотлари, инновацион такомиллаштириш асосида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ҳамда бошқалар)ни модификациялаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўпбосқичли мониторинг технологиясини қўллаган ҳолда республикада социологик тадқиқотлар ўтказиб, комплекс квалиметрик мониторинг механизмини олий таълим тизимига татбиқ этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

таълим сифатини бошқариш мониторингини амалга ошириш механизмини шакллантириш жараёнидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувларни ўз ичига олган, таълимни ривожлантиришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берадиган эмпирик натижалар олинган;

олий таълим тизими ривожини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш мезонлари ҳамда таълим сифатини мониторинг қилиш индикаторлари яхлит тизимга солинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишнинг назарий таҳлили ва амалий тадқиқотидан олинган натижалари ОАК рўйхатидаги илмий журналларда, SCOPUS, Google scholar ва Crosreff базаларига киритилган журналларда нашр этилгани, республика ва халқаро конференцияларда муҳокама қилингани, олинган натижа асосида илгари сурилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани илмий натижаларнинг ишончлилиқ даражасини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан ҳамда олий таълим соҳасида социологик мониторинг тизимини жорий этиш натижасида таълим муассасаларида ижтимоий ахборотлар базасини кенгайтириш, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялашнинг назарий асосларини кучайтириш; таълим сифатининг илмий мониторингини, узлуксиз амал қилишнинг инновацион технологияларини жорий этишнинг дискурсив асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг сифат мезонларини жорий этиш борасидаги фикрини ҳар томонлама ўрганиш, махсус дарсликлар, қўлланмалар ва услубий кўрсатмаларнинг янги авлодини яратиш лозимлигини тақозо қилади. Диссертациянинг назарий хулосалари, илмий-услубий тавсияларидан маданият, таълим, фан социологияси йўналишларидаги илмий изланишларни янада кенгайтиришда, ижтимоий жараёнларни математик ва статистик моделлаштириш ҳамда олий таълим тараққиётини башоратлашда, олий ўқув юртларида “Таълим социологияси”, “Социал сиёсат”, “Меҳнат социологияси”, “Ёшлар социологияси” ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш, маънавий-маърифий ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боришда социологик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда илмий асосланган ғоялар ва таклифлар қуйидаги меъёрий-қонуний ҳужжатларда ўз аксини топган:

рейтинг тизими бўйича профессор-ўқитувчилар фаолиятининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун ишлаб чиқилган индикаторлар, умуман университетлар фаолияти самарадорлигини рақамли технологиялар негизида аниқлаш тизими ишлаб чиқилганлигига оид таклифи Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни: 23-моддаси: “таълим ташкилотлари рейтингини аниқлаш тартибини белгилайди” жумласи билан, 24-моддаси “таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлайди” жумласи билан, 37-моддаси “Таълим ташкилотлари расмий веб-сайтларида: ... таълим ташкилотининг рейтингини” жумласи билан, 41-моддаси “таълим

ташкilotлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш; илмий-педагогик фаолият даражасининг ўсишини ва сифатининг ошишини рағбатлантириш; педагог ходимларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш; ўқитиш сифатининг юқори кўрсаткичларига эришиш; меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш” жумлалари билан тўлдиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш Кўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 34-сон Далолатномаси). Ушбу натижалар Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 23, 24, 37, 41 моддаларини тўлдириш имконини берган;

сифатли маълумотларни тўплаш усули, ўрганилаётган объектнинг яхлит ва тўлиқ модели сифатида миллий социология олимларининг нарратив ҳикояларини синтезлаш параметрлари, қоидалари ва тамойиллари таҳлил этилиб, нарратив интервью методининг социологик амалиётда қўлланилишининг ижтимоий аҳамияти асосланганлигига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон “Социологик тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони: кириш қисми 2-бандининг г) хатбошисида замонавий ахборот ёндашувларига таянадиган социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва уларнинг кенг усулларини қўллаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш борасидаги таклифлардан; 9-банднинг 5-хатбошисида сифатли маълумотларни тўплашнинг замонавий усули, ўрганилаётган объектнинг яхлит ва тўлиқ модели сифатида миллий социология олимларининг нарратив ҳикояларини ўрганиш мазмуни, тузилиши, параметрлари, қоидалари ва тамойиллари таҳлилидан, нарратив интервью қўлланилиш амалиётини шакллантириш ҳақидаги таклифлардан фойдаланилган (“Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2021 йил 22 ноябрдаги 367-сонли маълумотномаси). Натижада муайян соҳадаги вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳамда илғор хорижий ва миллий назарий-методологик воситалардан фойдаланиш асосида социологик сўровлар ўтказишнинг сифат жиҳатидан янги ва замонавий тадқиқот амалиётини шакллантириш муҳимлиги асосланган;

олий таълим тизимини мониторинг қилишнинг процессуал, башорат қилувчи, меъёрий ва рақобатбардошлик мезонлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, олий таълим муассасалари фаолиятини тавсифловчи параметрлар асосланганига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги Фармони: 10-банди 2- ва 3-хатбошида олий таълим тизимини мониторинг қилишнинг процессуал, башорат қилувчи, меъёрий ва рақобатбардошлик мезонлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, олий таълим

муассасалари фаолиятини тавсифловчи параметрлар тўпламига оид хулосаларидан; ушбу Фармон 2-илоvasи: Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш бўйича “Йўл харитаси” 12-банди матнларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 декабрдаги 17-03-09/19013-сонли маълумотномаси). Натижада Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари сифатини квалитетлик мониторинг қилиш амалиёти йўлга қўйилди, талаба ва тингловчилар билим савиясини ҳамда касбий тайёргарлик даражасини баҳолаш механизмлари такомиллаштирилди;

ўқув жараёнини мониторинг қилиш (вазифалар берилиши ва ечилиш ҳолатини баҳолаш, талабалар давомати ва ўзлаштиришини автоматик ҳисобга олиш ва уларнинг фанлар бўйича баҳоланиши ва бошқалар) мақсадида университет ўқув блоки учун интеграцияланган дастур, бевосита таълим жараёнини мониторинг қилиш (маъруза, лаборатория машғулотлари, инновацион такомиллаштириш асосида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ҳамда бошқалар)ни модификациялаш тизими ишлаб чиқилганлигига оид таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 июндаги ПҚ-4740-сон “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори: 2-бандининг 3-хатбошида фан ва таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили асосида, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятига интеграциялашувни таъминлаш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялардан; 12-банднинг “Йўл харитаси” 3-илоvasига мувофиқ 6-чора-тадбирдаги 1-механизмининг амалга оширишда ўқув жараёнини мониторинг қилиш (вазифалар берилиши ва ечилиш ҳолатини баҳолаш, талабаларнинг дарсларда қатнашишини автоматик ҳисобга олиш ва уларнинг фанлар бўйича баҳоланиши ва бошқалар) мақсадида университет ўқув блоки учун интеграцияланган дастур, ўқув жараёнини мониторинг қилиш (маъруза, лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ҳамда бошқалар) тизими ҳақидаги хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси нинг 2021 йил 11 ноябрдаги 04-5930 маълумотномаси). Натижада мамлакатда қабул қилинаётган давлат қонунчилик ҳужжатларининг тайёрланишида илмий тадқиқот ишнинг илмий таклифлари ва тавсияларидан мақсадли фойдаланилган ҳамда Геология фанлари университети томонидан интернетда dist.uzgeouniver.uz манзили бўйича жойлаштирилган масофавий таълим тизими орқали ўқув жараёнини комплекс мониторинг қилиш ва интеграциялаш таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзусида жами 35 та илмий иш, жумладан, ОАК рўйхатидаги журналларда 14 та, нуфузли хорижий журналларда 6 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция, даврий тўпламларда 14 та маъруза ва тезислар, 1 та монография нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 257 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, методлари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг ишончлилиги, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлари, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Олий таълим сифати мониторинги: назарий-методологик асослар” деб номланган биринчи бобида мониторинг жараёнининг моҳияти ва мазмуни, структураси ва функциялари, турли тизим ва шакллари, олий таълимни ривожлантиришдаги аҳамияти тадқиқ этилган. Мазкур тушунчага турли мутахассислар томонидан берилган таъриф ва тавсифлар қиёсий таҳлил қилинган, ҳозирги даврнинг энг сўнгги талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган дефиниция ва характеристикалар ишлаб чиқилган. Социологик мониторинг тизимининг назарий ва методологик масалалари, жадал ривожланаётган олий таълим сифатини мониторинг қилишнинг инновацион усул ва йўллари илмий асосланган.

Таълим жараёни ва ушбу тизим фаолиятини индикаторлар ёрдамида узлуксиз (доимий равишда), стандартлаштирилган кузатиш усули бўлган “квалиметрик мониторинг”, унинг объект тарихини ўз вақтида яратиш, таълим субъектларининг ўзгариши ва таълим тизими ҳолатини аниқлаш ҳамда ривожлантириш йўллари аниқлаш борасидаги имкониятлари ўрганилган. Мазкур турдаги мониторингни ташкил этишнинг усуллари, алгоритмлари ва технологик воситалар мажмуаси тадқиқ қилинган.

Олий таълим тизимини мониторинг қилишнинг процессуал, башорат қилувчи, меъёрий ва рақабатбардошлик мезонлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ўрганилган, олий таълим муассасалари фаолиятининг ҳар бир мезонини тавсифловчи параметрлар тўплами илмий асосланган.

“Мониторинг” атамаси халқаро ҳужжатларда расман ишлатила бошлаганига роппа-роса 50 йил тўлди¹⁹. Муайян ўзгаришларни кузатиб


¹⁹ Ушбу атама илк бора ЮНЕСКОнинг “Атроф-муҳит муаммолари илмий қўмитаси”нинг махсус тавсияларида 1971 йил қўлланилган, сўнг 1972 йили экологик мониторинг бўйича Стокхольмда чақирилган конференцияда расман муомалага киритилган.

бориш механизми сифатида мониторинг ҳар қандай жабҳада амалга оширилади, бироқ соҳалар мониторинги ўз мазмуни, ташкил этилиши, амалга оширилиши ва олинган маълумотларни амалда қўллаши билан биридан фарқ қилади.

Социологик мониторинг жамиятда юз бераётган ўзгаришларни кузатиб бориш, омманинг фикрини ўрганиш ва таҳлил қилишдир. Бунда ижтимоий муҳит ҳолатини акс эттирувчи муайян кўрсаткичлар ҳақида маълумот тўпланади ва натижалар динамикаси стандарт кўрсаткичлар билан таққосланади ҳамда таҳлил қилинади. Демак, мониторинг ўтказиш социологияда ахборот ва аналитик-баҳолаш функцияларини бажаради.

Таълим мониторинги деганда, биз йиғилган маълумотни ва таълим прогнозини таҳлил қилиш асосида бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш мақсадида таълим тизими алоҳида элементларининг ишлаши ва ривожланишини доимий, мақсадга йўналтирилган тарзда кузатиб боришни назарда тутамиз.

Таълим сифати – бу мониторинг объектидир. Субъектлар объектни ўрганади ва объект, ўз навбатида, субъектлар учун зарур бўлган маълумотлар манбаи вазифасини бажаради. Мониторинг субъектлари объектга қараб ўрганиш мақсадини белгилайдилар. Ушбу уч турдаги алоқалар занжири (субъектлар – объект, субъектлар – мақсад, субъект – субъект) тизимни ташкил қилади ва улар мониторинг тизимининг яхлитлигини, амалга оширилиш тартиботини (процедура) таъминлайди ва янгиланган таълим муҳитини юзага келтиради (1-чизмага қаранг).



1-чизма. Таълим сифати мониторинг тизими.

Олий таълим сифатини социологик мониторинг этиш жараёнини тадқиқ этиш доирасида Ўзбекистонда биринчи бор социологиянинг замонавий тарихида сифатли метод – тизимли таҳлил усули орқали ҳикоя тарзидаги суҳбат (нарратив)дан фойдаланилди. Тадқиқотда етакчи социологлар, экспертлар, мустақиллик даврида ушбу фаннинг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлар билан “Ўзбекистонда социология шаклланишида ҳикоя тарзидаги суҳбат (нарратив) илдизлари ва социологик таълимнинг ривожланиши” мавзусида 30 та кенг қамровли чуқурлаштирилган суҳбат ўтказилди. Нарратив интервьюлар усулини таҳлил қилиш натижасида, бу ёндашув муайян ижтимоий ҳодисани нафақат маълум вақт оралиғида, балки тарихий ўзгаришлар динамикасида ҳам ўрганиш имкониятини бериши аниқланди. Бу усулнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, унинг ёрдамида муайян тор вақт доирасинигина эмас, балки бутун даврларни таҳлил қилиш мумкин, яъни ижтимоий воқеликнинг умумлаштирилган, кенгайтирилган кўринишини амалга ошириш мумкин.

Диссертациянинг **“Олий таълим сифатини социологик мониторинг қилиш индикаторлари”** деб номланган иккинчи бобида баҳоланишнинг халқаро тажрибалари, турли мамлакатларда амал қилаётган моделлари қиёсий таҳлил қилинган, умумий ва тафовутли жиҳатлар очиқ берилган. Ўзбекистонда таълим муассасаларини аккредитация қилиш Европа Иттифоқида қабул қилинган “Олий таълим сифатини таъминлаш стандартлари ва тавсиялари” (European standards and guidelines, ESG) асосида амалга оширилаётгани асосланган.

XX аср охирида шакллана бошлаган олий таълим сифатини баҳоланишнинг жаҳондаги мавжуд тизимлари мажмуини шартли равишда икки турга бўлиш мумкин – олий таълим сифатини марказлашган ташқи баҳоланиш устун бўлган тизим ва олий таълим сифатини ички баҳоланиш устуни бўлган тизим. “Ташқи баҳоланиш” олий таълим сифатини баҳоланиш тизимида давлат органларининг роли устун бўлган давлатларда кенг тарқалган. Бундай органларга таълим вазирликлари ёки олий таълим сифатини таъминлаш учун масъул бўлган махсус давлат органларини киритиш мумкин.

Олий таълим сифатини баҳоланиш тизимларининг иккинчи турида ҳукумат даражасидаги ташқи баҳоланиш органлари мавжуд эмас ёки мавжуд бўлса ҳам, улар баҳоланиш тизимида ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Бундай тизимда олий таълим муассасаларининг ички ўзини ўзи баҳоланиш жараёни устунлик қилади. Таълим сифатини баҳоланиш ОТМнинг ўзи томонидан амалга оширилади ва у таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришга қаратилади.

АҚШда 4 мингга яқин университет мавжуд, шулардан 200 таси “Топ университетлар” каторига киради. Буюк Британияда эса 137 га яқин университет мавжуд²⁰. АҚШда ОТМлар тузилиши ва ҳажми жиҳатдан хилма-хил бўлиб, улар орасида йирик давлат илмий тадқиқот институтларидан тортиб Интернетда жойлашган кичик диний коллежлар ва тижорат муассасаларигача мавжуд. Ҳукумат олий таълимни тартибга

²⁰ <http://www.directtalk.ru/article/a-znaete-li-vy-skolko-v-ssha-vuzov>

солишда ушбу хилма-хилликни эътиборга олган ҳолда ёндашади. Олий таълим сифатини баҳолашнинг Европа ва Америка моделларини қиёсий таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ, чунки улар бир-бирига рақобатдош ҳисобланади.

Шу ўринда бенчмаркинг²¹ – баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида маълум бир моделнинг рақобатбардош устунлигини аниқлашнинг самарали воситаларидан бири ҳақида ҳам сўз юритилади. Европа ва Америка моделларининг шаклланишида тарихий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, турли халқларнинг маданиятлари ва бошқа бир қатор омиллар муҳим роль ўйнаган.

Умумий таълим маконини яратиш йўлидаги кейинги муҳим қадам бу 1999 йил июнь ойида имзоланган Болонья декларацияси бўлди²². Унга кўра, давлатлараро миқёсда таълим сифатига қўйиладиган умумий талабларни шакллантириш ва таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ишлари аккредитация агентликлари тармоқлари ва бирлашмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда замонавий таълим моделини жорий этишнинг устувор вазибаларидан бири бу талабаларнинг ютуқларини баҳолашнинг шаффоф, объектив тизимини яратиш орқали таълим хизматларининг сифати ва долзарблигини баҳолаш механизмларини шакллантиришдир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ҳам сезиларли даражада ошди. Масалан, 2016 йилда бакалаврият учун қабул квотаси 58.022 ни ташкил этган бўлса (бу 645 минг битирувчининг 9 фоизини ташкил этади), 2020 йилда бакалаврият учун 148.114 та қабул квоталари берилди (бу 597 минг битирувчининг 25 %ни ташкил этади)²³.

Олий таълим соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар қаторига талабаларнинг билим даражасини баҳолашда субъективизм борлиги, самарали ва ишончли инструментарияни шакллантириш зарурати, олий таълим муассасаларининг ўқитиш фаолияти сифатини баҳолаш индикаторларининг такомиллашмаганлигини киритиш мумкин. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан халқаро тажриба асосида таълим ташкилотларининг Миллий рейтингини аниқлаш методологиясини ва халқаро рейтингларга чиқиш стратегиясини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланди²⁴.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш ва зарур чора-тадбирларни белгилаш мақсадида “Ўзбекистон Миллий университети бошқарув кадрлари, профессор-ўқитувчилари, кафедралари, факультетларнинг ўқув, ўқув-методик, илмий тадқиқот ва ташкилий ишлар бўйича фаолияти рейтингини

²¹ Бенчмаркинг – бу фаолиятни етакчи олий таълим муассасалари билан қиёслаш орқали рақобатбардошлик қобилятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бўлган интилиш жараёнидир / https://www.cfin.ru/management/controlling/benchmarking_meths.shtml

²² https://science.logisticsr.com/index.php?option=com_content&view=article&id=770&catid=3&Itemid=7.

²³ В рамках недели Целей устойчивого развития рассмотрен вопрос дальнейшего повышения качества образования / <https://senat.uz/ru/lists/view/3000>.

²⁴ 467-сон 07.06.2019. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz).

аниқлаш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди²⁵.

2018 йилдан бошлаб Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси иш берувчиларнинг ёш мутахассислар ҳақидаги фикрларини акс эттирувчи индикаторни Университетларнинг миллий рейтингига киритди. Буни аниқлаш учун 500 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар вакиллари – асосий кадрлар буюртмачилари билан учрашувлар ташкил этилди. Ҳамкорликда 25 та таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича таклифлар, шунингдек, 120 та кадр тайёрлаш бўйича малака талаблари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди²⁶.

Шуни таъкидлаш керакки, Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nidheg Education, Academic Ranking of World Universities, TopUniversities²⁷ ва бошқа шу каби нуфузли агентликлар рейтингда биринчи 1000 ўринни эгаллаган хорижий ОТМларнинг дипломлари бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинади. Шунинг учун ҳам талабалар ўзлари таҳсил олаётган олий ўқув юртлири бундай рейтингларга киришига қизиқиш билдирмоқдалар, бу эса белгиланган вазифаларни амалга оширишни осонлаштиради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Квалиметрик мониторинг ва олий таълим муассасалари билан корхоналар орасидаги ҳамкорликнинг янги модели”** деб номланади ва унда квалиметрик мониторинг концепцияси, унинг асосий қоидалари, хусусан, кенг қамровли бўлиши, умумий ва профессионал таълим сифатини системалаштирувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарурлиги илмий-социологик жиҳатдан асосланган. Таълим сифатини комплекс квалиметрик мониторинг қилиш тизимини турли даражадаги баҳолаш – статика, баҳолаш – динамика ва баҳолаш – диагностика тизимига айлантириш йўллари тадқиқ этилган.

Тадқиқот мобайнида олий таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик модели ва унинг самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш мавзусига алоҳида эътибор берилган. Олий таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида муносабатлар тизимини жорий этиш орқали қандай истиқболли стратегик мақсадларга эришиш мумкинлиги ўрганилган. Олий таълим муассасалари ва бизнес ўртасидаги узок муддатли ҳамкорликни ривожлантириш йўллари ва механизмларини ўрганувчи социологик тадқиқот натижалари 14 та диаграмма ва бир неча жадваллар орқали баён этилган.

Таълим соҳасида илмий асосланган мониторинг тизимларини яратиш йўлларидан бири – бу квалиметрия усулидан фойдаланишдир. Бу баҳолаш ва ўлчаш тартиб-қоидаларини стандартлаштириш ва алгоритмлаштиришга,

²⁵ Ўзбекистон Миллий университети Кенгаши йиғилишининг 2019 йил 20 сентябрь 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

²⁶ Ташкенбаев У.Н. Узбекистан на пути интеграции в международное образовательное сообщество // Высшее образование сегодня. – М.: Российский новый университет, 2020. – № 10. – С. 2-8.

²⁷ <https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2022>.

шунингдек, таълим сифатининг таркибий қисми сифатида квалитетрик мониторинг тизимларини яратишга имкон беради²⁸.

Тадқиқот мобайнида квалитетрик мониторинг концепциясининг бта асосий қоидалари батафсил таҳлил қилинди. Квалитетрик мониторинг қилишнинг концептуал модели келтирилди.

Бугунги кунда фан ва технологиянинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг модернизация қилинишида иш берувчилар учун долзарб муаммолардан бири бу малакали мутахассисларни топишдир. Бу билан боғлиқ замонавий меҳнат бозори шароитида номзодларни қидириш воситалари (иш ва ходим топишга кўмаклашадиган ижтимоий тармоқлар, форумлар) билан бирга жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро мулоқот шакли ва мазмуни ўзгариб, такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон меҳнат бозори иштирокчилари бўлган корхоналарни уч турдаги иш берувчиларга ажратиш мумкин: 1) олий таълим муассасалари билан фаол алоқада бўлган корхоналар; 2) аввалда алоқа ўрнатган, аммо узоқ муддатли ҳамкорлик қила олмаган ёки ушбу ҳамкорликни манфаатсиз деб билган корхоналар; 3) олий таълим муассасалари (ёш мутахассислар) билан ҳеч қачон ҳамкорликка киришмаган корхоналар.

Тадқиқот доирасида Ўзбекистонда фаолият юритаётган тўртта корхонанинг тажрибаси ўрганиб чиқилди. Олий таълим муассасалари ва кадр истеъмолчилар ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш йўллари ва механизмларини ўрганувчи эксперт интервью тадқиқотида “Навоий иссиқлик электр станцияси” (АЖ), “Самарқанд магистрал электр тармоқлари” филиали (АЖ), Самарқанд шаҳридаги “Bilur Textile Group” (МЧЖ) ва Самарқанддаги трикотаж фабрикаси “8-март” (МЧЖ) корхоналари иштирок этди²⁹. Тадқиқот натижалари шунини кўрсатадики, биринчидан, компаниялар бугунги кунда ҳар бир олий таълим муассасаси ўз олдида қандай мақсад ва вазифаларни қўйишини, улар учун қайси ўқув моделлари мақбул эканлигини тушуниши керак. Иккинчи муаммо, мулоқот учун масъул шахсларни излаш ва ташкилий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. Бизнес олдида турган учинчи муаммо бу содиқ кадрларни топиш учун жозибали HR ва талабаларни жалб қилиш каналларини яратишдир.

Битирувчиларнинг ишга жойлашиш ва ҳамкорлик тизими самарадорлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг талабалари ва яқинда тамомлаган битирувчилари орасида Google флатформаси орқали онлайн социологик тадқиқот ўтказилди³⁰.

Талабалар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари иш берувчилар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига деярли мувофиқ келади. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг билимлари ва


²⁸ Қаранг: Субетто А.И. Квалитетология образования. – М., СПб.: Исслед. центр проблем качества подготовки специалистов, 2000. – 220 с.

²⁹ Социологик тадқиқот 2020 йил январь-февраль ойларида мақсадли танлаш, саралаш методи орқали ўтказилди. N= 2204 респондент.

³⁰ Социологик тадқиқот 2020 йил март ойида эҳтимолий-тасодифий саралаш методи орқали ўтказилди. N= 300 респондент.

ташкilotларнинг ёш номзодга бўлган талаблари ўртасида фарқ борлигини талабалар ҳам, бизнес вакиллари ҳам эътироф этдилар. Сўровномада иштирок этган талабаларнинг 36 % олий таълим муассасаси таълимнинг иш берувчи-компанияларнинг талабларига мослиги даражасига 3 баҳо беришди. Респондентларнинг аксарияти таълим жараёнларининг замонавий ривожланиш даражасига мослигини 4 га баҳолашди ва бу 33 %ни ташкил этди. Таълимнинг белгиланган стандартлар ва меъёрларга мувофиқлиги 4 балл (38 %) билан баҳоланди, қолган 35 % респондентлар ушбу жиҳатни 3 балл билан баҳоладилар. Баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасалари ва ташкilotлар ўртасида (билим, малака ва кўникмаларни ривожлантириш ва қидириб топишга мўлжалланган) мулоқот самарали ташкил этилмаган. Бизнинг фикримизча, замонавий олий таълим муассасаси олдида турган асосий вазифа – малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга ташкilotлар билан юқори даражада ҳамкорлик тизимини ўрнатишдир (1-расмга қаранг).


1. Сиз таҳсил олаётган таълим муассасасидаги таълим хизматлари қуйидаги кўрсаткичларга қай даражада мувофиқлигини беш баллик тизимда баҳоланг (1 - умуман мувофиқ эмас, ...)



1-расм. Таълим хизматларини баҳолаш.


Таълим ва бизнеснинг ҳамкорлиги доирасида талабаларнинг мақсадларини тушуниш учун битирувчилар иш қидириш жараёнида қандай муаммоларга дуч келаётганликларини билиш керак. Талабаларнинг фикрига кўра, энг долзарб муаммо бу зарур касбий тажрибанинг етишмаслиги, бу деярли барча респондентларнинг 77 %и томонидан эътироф этилди. Респондентларнинг 65 %ига кўра, битирувчилар дуч келадиган навбатдаги энг муҳим муаммо бу иш ҳақининг пастлиги. Учинчидан, респондентларнинг 44 %и муносиб вакансиялар етишмаслиги масаласига эътибор қаратди. Натижалар (2-расмда) келтирилган.

2. Олий ўқув юртини тугатгандан кейин ишга жойлашиш жараёнида талабалар асосан қандай муаммоларга дуч келади? (3 тадан кўп бўлмаган вариант белгиланг)



2-расм. Битирувчиларнинг ишга жойлашишдаги муаммолари.

Навбатдаги расмдан кўришимиз мумкинки, респондентларнинг кўпчилиги (53 %) олий таълим муассасаларида ОТМ ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорлик шартномаси мавжудлигини билишмайди. Бундан иш берувчилар билан ҳамкорлик масаласида “олий таълим муассасалари – талаба” алоқаси самарасиз деган хулосага келишимиз мумкин. (3-расмга қаранг).



3-расм. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномаси мавжудлиги тўғрисида хабардорлик.

Тадқиқот натижаларига кўра, иш берувчи корхоналарга университетлар билан ҳамкорликнинг самарали тизимини яратиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш тавсия этилади:

1. Кадрлар салоҳиятини аниқлашга ва ривожлантиришга йўналтирилган HR бренд сиёсати билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;
2. Ҳамкорлик жараёнида амалга оширилиши керак бўлган муайян вазифаларни белгилаш;

3. Университетларнинг масъул тармоқлари билан алоқа ўрнатиш, ўз вазифаларини университетларнинг мақсадлари билан боғлаш;

4. Амалга ошириладиган тадбирлар тизимини ташкил этиш;

5. Ҳамкорлик самарадорлигини баҳолаш;

6. Фаолиятни такомиллаштириш тадбирлари тизимини яратиш.

Олий таълим муассасалари ва компаниялар ўртасидаги узоқ муддатли шериклик моделлари орасида мамлакатимиз учун энг мақбули бу *доимий шериклик* (Partnership Continuum) моделидир (HP University Relations Worldwide президенти W.Jhonson). Шу билан бирга *нарвон модели* (Stairway Model) ҳам таклиф қилинади. Диссертацияда ҳар икки модель батафсил кўриб чиқилган, ушбу ўзаро ҳамкорлик моделларидан Ўзбекистон олий таълим тизимида фойдаланиш таълим сифатининг сезиларли даражада ошишига, таълимни молиялаштиришни яхшилашга, замонавий меҳнат бозорига муносиб кадрларни тайёрлашга, университетларда янги билим ва кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилиши далиллар билан асосланган.

Тадқиқотда САҒ модели асосида компаниянинг университетлар билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини баҳолашнинг мослаштирилган варианты келтирилган. Ушбу баҳолаш моделининг афзалликларидан бири унинг ўзгарувчанлиги ва универсаллигидир. Ушбу модель орқали компаниялар натижа ва имкониятларни алоҳида тарзда таҳлил қилишлари мумкин.

